

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

№31

2024-yil
7-avgust, chorshanba

1918-yil
21-iyundan chiqqa boshlagan



O'zbekiston O'vozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz



✓ Сайлов — 2024

Бизни фаол қўллаб-қувватлашяпти



700 МИНГДАН ОРТИҚ АЪЗО, 11 МИНГГА ЯҚИН БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ, 1 МИНГ 600 НАФАРГА ЯҚИН ДЕПУТАТ. ШУ КУНЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ПАРЛАМЕНТ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРГА САЙЛОВДА ҚАТНАШИШ БЎЙИЧА ИМЗО ТЎПЛАШНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ОЛИБ БОРМОҚДА.



Улуғларимиз Мустақиллик ҳақида

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ шоири.

"Биз ўзбекларда истиҳола кучли. Ўзни намоен қилишдан тортинамиз... Энди ўша истиҳолани йиғштириб, халқ билан мулоқотнинг ҳамма шаклларида фойдаланишимиз лозим. Бу замон олдидаги, Ватан олдидаги бурчимиздир".



ПРЕЗИДЕНТ ТОМОНИДАН "ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ЭГАЛЛАБ ОЛИНГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИГА ҲАМДА УЛАРДА ҚУРИЛГАН БИНОЛАР ВА ИНШОТЛАРГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН ИМЗОЛАНДИ

Қонунга кўра, фуқаролар қуйидаги кўчмас мулкларни ўз номига (ижара ва мулк ҳуқуқи асосида) қонуний ўтказиб олиши мумкин:

- 2018 йил 1 май кунигача яқка тартибдаги уй-жой қуриб ўзбошимчалик билан эгаллаган ер ҳамда ундаги бино ва иншоотлар;
- 2018 йил 1 май кунигача фуқаролар ва ташкилотлар томонидан ҳужжатда кўрсатилган майдондан ортиқча эгалланган ер ҳамда ундаги бино ва иншоотлар;
- "бир марталик акция" доирасида ҳуқуқларни эътироф этиш охирига етмаган ер ҳамда ундаги бино ва иншоотлар;
- 2021 йил 8 июнга (ҳокимларнинг ваколати бекор қилинган) қадар туман (шаҳар) ҳокимлари қарори билан ажратилган, лекин вилоят ҳокими ёки халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланмаган ер;
- боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари ҳудудидаги турар жойлар ҳамда улар эгаллаган ер;
- кичик саноат зоналари ҳудудида 2020 йил 9 мартгача жойлаштирилган тадбиркорларнинг ери;

- давлат ордери билан хусусийлаштирилган бинолар ва уйлар эгаллаган ер;
 - ҳоким қарори билан мулк ҳуқуқи эътироф этилган бинолар ва уйлар эгаллаган ер участкаси.
- Кўчмас мулкни қонунийлаштириш учун улар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:**
- ер бошқа шахсга ажратилмаган ёки аукционга чиқарилмаган бўлиши;
 - ер участкасидан фойдаланишда низо мавжуд эмаслиги;
 - ер ва мол-мулк солиғи бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги;
 - муҳофаза зонасида, суғориладиган ерда жойлашмаганлиги;
 - бош режа талабларига зид эмаслиги (мавжуд бўлса);
 - ҳар бир категорияга хос бошқа шартлар (инвестиция мажбурияти бажарилганлиги, ширкат аъзоси ҳисобланиши ва бошқалар).

Қонун 3 ойдан сўнг кучга киради.
Huquqiy axborot telegram kanalidan olindi.

✓ Дастур ижроси



ТЕНГЛИК ЙЎЛИДАГИ КУРАШ БЕСАМАР КЕТМАДИ

Янги сайловлар остонасида турибмиз. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бу сайловга катта режалари бор. Шу билан бир қаторда ўтган беш йил ичида партия ўз дастурида белгиланган устувор мақсадларнинг қанчаси ва қай даражада рўйбга чиқди, деган савол ҳам долзарб бўлиб турибдики, сайловчилар, жамоатчилик, албатта, бунга асосли жавоб кутмоқда.

Сайловдан сайловгача бўлган ишларни таҳлил қилишдан кўзлаган муддаоимиз ҳам шудир аслида. Маълум бўлишича, ХДП ғояларининг асосий қисми амалга ошмоқда. Бу ҳақида партия фаоллари ва депутатлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.



4

SAYLOV – 2024

700 mingdan ortiq a'zo, 11 mingga yaqin bo'shanqich tashkiloti, 1 ming 600 nafarga yaqin deputat. Shu kunlarda Ўзбекистон Халқ демократик партияси парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайловда қатнашиш бўйича имзо тўплашни уюшқоқлик билан олиб бормоқда.

Ушбу жараён Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар кенгашлари, 200 дан ортиқ шаҳар ва туман Кенгашлари, барча даражадаги бошланғич ташкилотларида қизғин давом этмоқда.

Фуқароларга Ўзбекистон Халқ демократик партияси ғоялари ҳамда бўлажак сиёсий жараённинг мазмун-моҳияти хусусида тушунчалар берилляпти. Аҳоли вакиллари партия ғоялари билан қизиқиб, ўтган беш йил ичида қандай натижаларга эришилгани ва ташаббусларига оид саволлар билан муносабат қилмоқда.



Бизни фаол қўллаб-қувватлашяпти

Акмал УМАРАЛИЕВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят
Кенгаши раиси:

— Фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишда ҳар бир сайловчининг ўрни, фаоллиги жуда муҳим. Шу кунларда партиянинг кўп минг сонли аъзолари билан бирга фаолликни қўлга олган ҳолда имзо тўплашга киришганмиз. Бу жараёнда аҳоли кенг қатлами вакиллари билан суҳбатлар, юзма-юз мулоқотлар бўляпти. Уларга сайловнинг аҳамияти билан бирга, партиянинг ўтган йилларда қандай ташаббусларни илгари сургани ҳамда уларнинг амалий ижросига доир маълумотлар берилляпти.

Сирожддин ШОНАЗАРОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар
Кенгаши раиси ўринбосари:

— Овоз тўплаш жараёни чиндан ҳам аввалгиларидан анча фарқ қилади. Тўғриси, олдинги сайловларда бошланғич партия ташкилотлари ёки корхона ва муассасаларда имзо тўпланган. Одамларга варақаларни берардик ва улар ўзи ҳақидаги маълумотни ёзиб, имзо қўйиб кетарди. Бу сафар ҳаммаси бошқача. Партиянинг янги сайловларда иштирокини қўллаб-қувватлаш истагини билдираётган аҳоли вакиллари кишини ўйлантириб қўядиган саволларни беришяпти, яхши ўзгаришларни эътироф этишяпти. Масалан, олий таълим муассасаларида ногиронлиги бўлган шахслар учун 2 фоизлик квота ажратилгани ижтимоий адолат тамойилига мувофиқ бўлганини мамнулик билан қайд этмоқдалар. Бу партиямизга оид ташаббус бўлиб, Ўзбекистон ХДП ҳаммиша барча учун ҳуқуқ ва имкониятлар тенглиги тарафдори бўлган. Халққа яқин, халқчил ташаббусларимиз барча тоифа инсонларнинг манфаатларига хизмат қилиб келмоқда.

Абдуллоҳ АҲМЕДОВ, талаба (Андижон):

— Ўзбекистонда 5 та сиёсий партия бўлса, ҳаммаси ўз устувор мақсад ва ташаббусларига эга. Уларнинг ҳар бири сайловда муносиб иштирок этишга ҳаракат қилаётганини кузатяпман. Шахсан менга Ўзбекистон ХДПнинг дастурий ғоялари кўпроқ маъқул келяпти. Чунки унда ижтимоий ҳимояга алоҳида урғу берилади. Ҳеч ким хасталик ёки ногиронликдан тўла кафолатланмаган. Шундай экан, партиянинг ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар, эҳтиёжманд кишилар, умуман, халқимизнинг деярли барча қатлами манфаатларига мос келадиган ғоялар

» **АЙНИ ПАЙТДА ЭСА ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ САЙЛОВДАГИ ИШТИРОКИНИ Қўллаш учун имзо бердим. Партиянинг кучли ижтимоий ҳимояга асосланган ташаббуслари, айниқса, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар, ёлғиз оналарнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларни ишли, даромадли бўлишига кўмаклашиш борасидаги салмоқли таклифларини олқишлайман.**

рига бефарқ бўла олмайман. Ушбу партиянинг сайловларда иштирокини қўллаб-қувватлаб, имзоимни берганим сабаби ҳам шунда.

Гулнора ИСЛОМОВА, талаба (Тошкент):

— Бу йил сайловда нима янгилик бор экан, деб қизиқдим. Аралаш сайлов тизими ҳақидаги янгиликлар яхши бўлибди. Жараёнларни кузатиб борапман. Бошқа тенгдошларимнинг ҳам бу муҳим сиёсий тadbирга бефарқ бўлмастикларини истардим. Чунки сайловлар нафақат давлат ва жамият, балки ҳар биримизнинг ҳаётимизга таъсир кўрсатади.

Айни пайтда эса Ўзбекистон ХДПнинг сайловдаги иштирокини қўллаш учун имзо бердим. Партиянинг кучли ижтимоий ҳимояга асосланган ташаббуслари, айниқса, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар, ёлғиз оналарнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларни ишли, даромадли бўлишига кўмаклашиш борасидаги салмоқли таклифларини олқишлайман.

Шерали ҚўЗИБОВЕВ,
тиббий ходим:

— Депутатлар халқ орасида кўпроқ бўлиб, уларнинг дардини тинглаётгани, муаммолар ечимида фаоллик кўрсатаётгани одамларнинг сайловларга ишончини оширомоқда.


Биламизки, сайлов фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини рўёбга чиқариши, хохиш-иродасини намоеън этиши баробарида барчани жамият миқёсида фикрлашга, кенг қамровли ташаббуслар ҳақида мушоҳада юритишга ундайдиган муҳим жараён. Бу жараёнга шахсан мен ҳам бефарқ қараб турмайман. Қатъий ишонч ва янги умидлар билан Ўзбекистон ХДПни қўллаб-қувватлаб имзо бердим.

ЭСЛАТМА!

Сайлов қонунчилигига кўра, фуқаролар битта ёки бир нечта сиёсий партияни қўллаб-қувватлаб имзо қўйиши мумкин. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортнинг ёки идентификация ID-картасининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек, имзо қўйилган санани кўрсатади. Мазкур маълумотлар қўлда ёзиб киритилади.

Имзо тўплаш жараёнлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ҳар куни эрталаб 9:00 дан кеч соат 18:00 га қадар давом этмоқда.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон ХДП Ахборот хизмати раҳбари



Қорақалпоғистон Республикаси



Бухоро вилояти



Фарғона вилояти



Хоразм вилояти



Сурхондарё вилояти

ҲАЁТ-МАМОТ МАСАЛАСИ

Ўтган асрнинг биринчи чорагида ижтимоий-сиёсий феномен сифатида шаклланган жадидчилик ҳаракати вакилларида бири Мунавварқори Абдурашидхонов "... эзилган миллатнинг ҳақиқий душмани жаҳолатдир. Бир миллат жаҳолатдан қутулмагунча оёқлар остиндан туролмас", дея жаҳолатга қарши илм-маърифатнинг, таълимнинг нақадар қудратли куч эканини қайд этган эди.

Чиндан ҳам, тараққиёт йўлини танлаган давлат ва жамият борки, мавжуд куч-салоҳиятини, капиталини айнан маърифат ва таълим истикболига сарф этишга интилади. Энг бебаҳо стратегик ресурс ҳисобланган ўсиб келаётган авлод манфаатларини таъминлашда ушбу соҳага устувор эътибор қаратади. Бугун шитоб билан иқтисодий ва технологик юксалиб бораётган давлатлар таърибаси бунга яққол мисол. Зеро, таълимга йўналтирилган 1 доллар сармоё мамлакатга келгусида 3-6 доллар миқдорда фойда келтириши аллақачон ҳаётий тасдиғини топган.

Янгилашган Конституциямизда ҳам таълим масалаларига бағишланган алоҳида модда мавжуд. IX бобнинг 50-моддасига кўра, ҳар бир шахс тўғридан-тўғри таълим олиш ҳуқуқига эга, давлат узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришни таъминлайди, мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шароитлар яратаяди, умумий ўрта ва бошланғич касб-хунар таълимнинг бепул бўлишини кафолатлайди.

26 июлдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Кенгашлари сайлови кампанияси бошланди.

"Ўзбекистон – ижтимоий давлат" деган тамойилни самарали амалга ошириш учун кенг қамровли ғоя ва таклифларни илгари суриб келаётган Халқ демократик партияси фаоллари таълим ривожини учун қандай залворли ташаббусларни илгари сурмоқчи?

СИФАТЛИ ТАЪЛИМ – ТЕНГ ИМКОНИЯТ



Фирдав ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

- Халқ демократик партияси ёшларнинг сифатли таълим олиши тарафдори эканини таъкидламоқ лозим. Бу мамлакатимиз интеллектуал салоҳиятини юксалтириш кафолати саналади.

Ўзбекистонда ҳар бир бола қаерда ва қайси оилада туғилганидан қатъи назар, ўз орзуларига эриша оладиган, билими, иқтидори, меҳнатсеварлиги билан ҳаётда ва жамиятда ўрин топадиган шахс сифатида шаклланиши учун таълимнинг барча босқичида аҳолининг ҳамма қатламига тенг имкониятлар яратилишини айна зарурат, деб биламиз. Бунинг учун янги Сайловдаги дастуригимизга бир қанча аниқ таклифлар киритилган.

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га рўйхатга олинган оила фарзандларини давлат мактабгача таълим ташкилотларига тўланадиган ота-оналар тўловидан озод қилиш шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда камбағалликка қарши тизимли кураш доирасида 2019 йилда ишга туширилган "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" электрон тизими сабабли кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам кўрсатиш шаффофлашди. Агар 2017 йилда республикамизда ижтимоий ҳимоя олувчи оилалар сони 500 минггача ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 2,3 миллионга ошди. Ўз навбатида янги иш жойлари очилди, халқимиз турмуш даражасини яхшилаш йўлидаги трансформация дастурлари натижасида 2021 йил бошидан ҳозирга келиб камбағаллик даражаси 17 фоиздан 11 фоизгача камайгани, деярли 2 миллион киши камбағалликдан чиқарилгани қувонарли, албатта. Бундан келиб чиқадики, тобора сафи камайиб бораётган эҳтиёжманд инсонларнинг оёққа туриб олиши учун янада кўмаклашиш, реестрдаги оилаларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш фақат ва фақат эзгу мақсадга хизмат қилади.

Энди ўйлаб кўрайлик, "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" орқали моддий ёрдам олиб, куни ўтиб турган оилага боласининг МТТга қатнови учун ҳар ой тўлайдиган "боғча пули" ҳам оғирлик қилади. Шу маънода моддий аҳоли қийин оилаларнинг боғча тўловидан озод этилиши улarga мадад бўлади. Бу инсонпарварликнинг, ижтимоий адолатнинг ўзига хос кўриниши, десак янглишмаймиз.

Шу билан бир қаторда партиямиз давлат мактабларининг бошланғич синфларида кунли ўқувчи бўлиб турган гуруҳлар фаолиятини ташкил этиш, бунда "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"да рўйхатга олинган оилалар фарзандлари учун энгилликлар беришни илгари сурмоқда. Бундай тартибот пировардида моддий қийинчиликлар билан юзма-юз келган оилаларнинг болалари ҳам таълимни сифатли ўзлаштиришига шароит яратаяди.

САЛОМАТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ МАКТАБЛАР

Умиджон САТТОРОВ,
ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари:



либ, бунда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини бирлаштириш ҳамда соғлом мактаб сиёсатини йўлга

- Бир гуруҳ фаолларимиз таълим тизимини такомиллаштириш доирасида "Саломатликни мустаҳкамловчи мактаблар" ижтимоий лойиҳасини кенг амалга ошириш ташаббуси билан чиқмоқда.

Аслида "Саломатликни мустаҳкамловчи мактаблар" ғояси ўтган асрнинг 80-йиллари охирида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бунда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини бирлаштириш ҳамда соғлом мактаб сиёсатини йўлга

қўйиш назарда тутилади.

Тўғри, саломатликни мустаҳкамлаш мактабнинг устувор таълим мақсадларига кирмайди. Лекин ҳамма болани ҳам жисмонан фаол, тўрт мучаси соғ ва бақувват, дея олмаймиз. Сурункали касалликлардан азият чекувчи, ўқиш билан бирга саломатлигини тиклашга эҳтиёжи бор болалар, афсуски, оз эмас.

Оддий мисол, ҳозирги кунда қандли диабетга чалинган болалар тобора кўпайиб бораётгани дунё аҳлини жиддий ташвишга солмоқда. Ушбу касаллик ёш болалар, ҳатто чақалоқлар орасида ҳам кўп учраётгани янада оғриқли. Бундай болалар доимий тиббий назоратда бўлиши, қатъий парҳезга амал қилиши, кунига 5-6 маҳал овқатланиши талаб этилади. Бу хасталик оғир асоратлар олиб келиши мумкинлиги билан хатарли.

Шу сингари касалликларга чалинган болаларнинг қулай ўқиш ва ўқитиш муҳитида таълим олиши, бунинг баробарида соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиши учун саломатликни мустаҳкамловчи мактаблар керак. Айниқса, ҳозирги даврда.

Унутмаслик жоизки, таълим ва соғлиқни сақлаш бир-бирига боғлиқ бўлган асосий универсал инсон ҳуқуқларидир. Улар бирлашса, шахсининг ижтимоий ва психологик ривожланиши учун имконият кенгайди, инсон ҳуқуқлари устунлиги таъминланади.

ИСЛОҲОТЛАРНИ КЕЧИКТИРМАСЛИК КЕРАК

Бахтиёр ТАШЕВ,
ЎзХДП Навоий вилоят Кенгаши раиси:



ёндашмоқда.

Бола ниҳолдай гап, унга тўғри парвариш керак. Юртимиздаги ҳар бир ўсиб келаётган ўғил-қизнинг нафақат билим ва тафаккури кенг, балки жисмонан ҳам соғлом бўлмоғи жуда муҳим. Соғлом авлод - бу соғлом келажак. Шу нуқтаи назардан ўн ярим мингдан ошиқ мактабларимизда камолга етаётган юз минглаб болаларимиз учун сифатли ва кафолатланган бепул овқатлантириш тизими жорий этилиши зарурдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жаҳон озиқ-овқат дастури (WFP) маълумотларига кўра, 2020-2022 йилларда мактабда овқатланадиган болалар сони дунё миқёсида 7 фоизга, даромади ўртачадан паст бўлган мамлакатларда эса 12 фоизга ошган. Бугунги кунда бутун дунё бўйлаб бошланғич мактабга қатнайидиган болаларнинг тахминан 41 фоизи мактабда бепул овқатланиш дастурларидан фойдаланмоқда.

Масалан, Хитой мактабларида 2000 йилдан бошлаб "Мактаб сути" дастури амалиётга киритилган. Бу дастур туфайли мамлакатдаги болаларнинг бўйи ўртача 1,2 см ва вазни 0,6 кгга ошган. Россия таърибасига кўра, «Мактаб сути» дастури туфайли россиялик болалар камроқ касал бўла бошлаган. Болаларда таянч-ҳаракат тизими, эндокрин тизим ва мета-

болик касалликлар билан касалланиш ҳолатлари камайган.

Қозғонганда мактабларда бепул иссиқ овқат дастури доирасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳамда умумий овқатланиш тармоқларига катта инвестициялар жалб этиляпти, фермерлик, қайта ишлаш саноати, логистика ва бошқа соҳалар ривожланипти, юз минглаб иш ўринлари яратилмоқда. Бундан кўрамизки, мактабларда ўқувчиларни бепул овқатлантириш тизими наинки ижтимоий, балки иқтисодий томонлама ҳам катта наф келтиради.

Мамлакатимизда 2022 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бошланғич синф ўқувчиларини бепул тушлик билан таъминлаш синов тариқасида жорий этилди. Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти экспертлари ушбу таърибанинг амалий натижаси бўйича суровнома ўтказганида бепул тушлик мактабга қатнаш даражасини, яъни, давоматни 8 фоизга оширгани маълум бўлди.


Барча мактабларда бепул овқатлантиришни жорий этиш билан бир қаторда сифатни баҳолаш, яъни, болаларга яроқлилик мuddати ўтмаган, витаминлар ва фойдали элементларга бой, тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари берилмаётгани устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун онлайн электрон платформаси яратилса, кифоя.

Шунингдек, мактаб таълимини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатаётган яна бир муаммо - бир синфда 40-50 нафаргача ўқувчиларнинг ўқиши масаласи ҳам ўз ечимини кутиб турибди. Буни эътибордан соқит қилмаган партиямиз фаоллари давлат умумтаълим мактабларида бошланғич синфларда ўқувчилар сонини 20 нафардан, катта синфларда эса 24 нафардан оширмаслик кераклигига урғу бермоқда.

Буларнинг бари Ўзбекистонда барча болаларнинг сифатли таълим олишида тенг имкониятларга эга бўлишини таъминлайди.

Бугунги мураккаб замонда таълим, инчунун, мактаб таълими ҳар бир давлат учун ростидан ҳам ҳаёт-мамат масаласига айланди. Бу соҳадаги ислохотларни кечиктирмаслик, ривожланиш пойдеворини ҳозирдан мустаҳкам қўйиш эртаимиз замонавий билимларни эгаллаган, соғлом ва рақобатбардор ёшлар қўлига топширишдек чинакам бахтни инъом этади.

Фарида МАҲҚАМОВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



Сабрина МАҲАМБАТҚУЛОВА,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси:

ҲАҚИҚИЙ БИРЛАШУВНИ КЎРДИМ

— Яқинлашиб келаётган сайловларда Халқ демократик партиясининг иштирок этиши учун имзо йиғиш жараёнига мамлакатимизда катта эътибор ва қизиқиш билан кутиб олинди.

Бу жараён нафақат партия тарафдорларини, шунингдек, сиёсий жараёнларга бефарқ бўлмаган минглаб фуқароларни ҳам бирлаштиради. Имзо йиғиш жараёни фақатгина қоғоздаги рақамларни эмас, балки одамларнинг сиёсий партияга бўлган ишончи ва қўллаб-қувватлашини ифода этади. Ушбу жараёнларда бевосита иштирок этиб, жараённи кузата туриб, мен айрим хулосаларга келдим.

Имзо йиғиш жараёнида партия аъзолари ва кўнгилчиларнинг фидокорона меҳнатини кўриб, уларнинг ўз мақсадларига содиқлигига лол қолдим, очиги. Ҳар бир ўйга, ҳар бир инсоннинг қалбига кириш, уларнинг дардини эшитиш ва ўз сиёсий дастурини тушунтириш жуда катта меҳнат ва сабр талаб қилади. Буни бажариш учун ҳақиқий фидокорлик ва матонат керак. Айнан шу сифатларни мен партия вакилларида кўрдим.

Бошқа томондан, бу жараён халқимизнинг сиёсий фаоллигини ва фуқаролик жамиятининг равнақини ҳам намоён этади. Фуқаролар ўзлари ишонган ғояга овоз бериш орқали нафақат сиёсий жараёнда, балки ўз келажаклари учун муҳим

қарор қабул қилишда бевосита иштирок этади. Қисқа айтсам, мана шундай жараёнлар жамиятимиздаги сиёсий онг ва маданиятнинг юксалаётганини кўрсатади.

Шу ўринда имзо йиғиш жараёнида ёшларнинг фаоллигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ёшлар ўзларининг шижоати ва ижодкорлиги билан мазкур партияга янги ранг, янгича характер қўшди. Улар нафақат жараён дастурларини тарғиб қилдилар, балки кўплаб инновацион усуллар орқали жараённи самарали амалга оширдилар. Ёшларимизнинг бундай эътибори ва ташаббускорлиги мамлакатимиз келажиги учун катта умид ва ишонч уйғотади.

Бу жараён мен учун нафақат сиёсий тадбир, балки бирлашув ва бирдамлик тимсоли бўлди. Халқ демократик партиясининг имзо йиғиш жараёнида иштирок этиб, партия аъзолари ва қўллаб-қувватловчиларининг бир ғоя атрофида бирлашганини кўриб, ўз мақсадлари йўлида собитқадамлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилдим. Шундай жараёнлар нафақат партия учун, балки бутун халқимиз учун катта аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси халқимизнинг қўллаб-қувватлаши билан келажакда янада юксак марраларга эришишига ишонаман.



IMZO YIG'ISH



Янги сайловлар оstonасида турибмиз. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бу сайловга катта режалари бор. Шу билан бир қаторда ўтган беш йил ичида партия ўз дастурида белгиланган устувор мақсадларнинг қанчаси ва қай даражада рўёбга чиқди, деган савол ҳам долзарб бўлиб турибдики, сайловчилар, жамоатчилик, албатта, бунга асосли жавоб кутмоқда.

Сайловдан сайловгача бўлган ишларни таҳлил қилишдан кўзлаган муддаоимиз ҳам шундир аслида.

Маълум бўлишича, ХДП ғояларининг асосий қисми амалга ошмоқда. Бу ҳақида партия фаоллари ва депутатлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

ЭСКИРМАЙДИГАН СИЁСАТ

Кучли ижтимоий сиёсат — бу Халқ демократик партиясининг бош ғояси ва асосий принципларидан саналади. Айни йўналишда кутилган натижага эришиш учун "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган тамойилда сиёсат олиб бориш талаб этилади. Қачонки, аҳоли ҳаётидан мамнун ва рози бўлиб яшаса, жамиятда барқарорлик, тинчлик ҳамда фаровонлик қарор топади.

Давлат ва жамият томонидан кам таъминланган ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини оширишга кўмаклашиш - бу ХДП Сайловолди дастурида белгиланган энг муҳим вазифалардан бири. Ушбу вазифа партия дастурий мақсадлари, ғояларига бевосита ҳамоҳанг бўлгани учун аҳолининг манзилли ижтимоий ҳимоясига қаратилган лойиҳалар ишлаб чиқилди, катта-катта ташаббуслар илгари сурилди. Депутатлар мунтазам равишда бу борада назорат-таҳлил ишларини олиб борди, муаммоларни ўрганди.

2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш бўйича Миллий мақсад ва вазифалардаги мезонлар асосида пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун пенсия таъминоти ҳамда ижтимоий нафақалар тўлаш тизимини такомиллаштириш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга эришиш бўйича эътиборга молик амалий ишлар қилинди.

» **ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА АҲОЛИНИНГ БОШҚА ИЖТимоий ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИНИ МАНЗИЛЛИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА КўМАКЛАШИШ - БУ ХДП САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ.**

ФРАКЦИЯ ТАШАББУСИ

Шу ўринда келтириш жоизки, партия фракцияси томонидан кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича билдирилган таклифлар "Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий хизматлар тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида" (2022 йил 18 январь) қонун муҳокамаси ва уни қабул қилиш жараёнида алоҳида инobatга олинди. Ушбу қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Оила кодекси, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида", "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида", "Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида" ва бошқа қонунларига муҳим ўзгартиришлар киритилди.

2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдум орқали қабул қилинган Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (57-модда, 2-қисм)да давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини оширишга, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-шароитлар яратишга ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чораларни кўриши белгилаб қўйилди.

Партия фракциясининг фаол иштироки билан 2024 йил 18 мартда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

ТЕНГЛИК ЙўЛИДАГИ

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР-ЧИ?

Айни пайтда маҳаллий Кенгашларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган 1500 нафарга яқин депутат фаолият юритади. Партия Сайловолди дастуридаги мақсад-вазифаларни амалга ошириш бўйича ҳар йили амалий Ҳаракат дастури қабул қилинади. Ушбу дастурда белгиланган вазифалар кўлами ҳам, амалга оширилган ишлар салмоғи ҳам жуда катта.

Масалан, 2023 йилда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ташаббуси билан Сайловолди дастури ижросига қаратилган 700 дан ортиқ масалада давлат органи раҳбарининг ҳисоботи эшитилди. Жойлардаги депутатларимиз томонидан маҳаллий Кенгашлар кун тартибига 879 та ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалалари билан боғлиқ таклифлар киритилган ва қарорлар қабул қилинган.

Сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, жорий йилнинг биринчи чора-гида "Маҳаллада камбағал оилалар сонини камайитириш",

"Депутат маҳаллада", "Яхшилик ва хайрия" каби лойиҳа ва акциялар ўтказилди.

Аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, камбағалликни қисқартириш, муаммоларни тезкорлик билан жойида ҳал этишга қаратилган 150 мартаба "Депутат маҳаллада", 140 мартаба "Маҳаллада камбағал оилалар сонини камайитириш" лойиҳалари амалга оширилди.


Депутатлар томонидан фуқаробай, хонадонбай аҳоли муаммоларини ўрганиш мақсадида 200 мартаба сайёр қабуллар ўтказилиб, уларда 5 минг 200 нафардан зиёд аҳоли қатнашди. Сайёр қабулларда 1701 та муаммоли масалалар кўтарилиб, шундан 1476 таси ижобий ҳал этилди.

Аҳолини ўйлантираётган йўл таъмирлаш, электр энергияси, сув таъминоти, янги иш ўринларини яратишга оид 123 та масала ўрганиб чиқилди, уларнинг ечими бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

"Аёллар дафтари"га киритилган, 841 нафар ногиронлиги бўлган, 791 нафар боқувчисини йўқотган, 621 нафар иш билан таъминланмаган, 631 нафар хотин-қизлар ҳолидан хабар олинди.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ



"ИСТЕЪМОЛ САВАТЧАСИ" ВА "ЯШАШ МИНИМУМИ"

Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурида аҳоли турмуш даражасини белгилашда, ижтимоий сиёсат ва давлат ижтимоий дастурларини ишлаб чиқиб жорий этишда, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа ижтимоий тўловларнинг энг кам даражасини белгилашда халқаро ҳамжамиятда умумқабул қилинган кўрсаткичлар, яъни, яшаш минимуми ҳамда уни қўллаш тартибини амалиётга киритиш зарурлигини белгилаб олган эди. Мавзу нега муҳим?

Бу Халқ демократик партиясини учун ўта муҳим масала эди. Камбағалликни қисқартириш, бу борадаги ишларни сифатли ва самарали ташкил этиш бир қатор омилларга боғлиқ. Шулардан энг муҳими, камбағалликни белгиловчи мезонларни аниқлаштириб олишдир.

2020 йилнинг 3 июнь куни Президент раислигида камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида тирикчилик учун зарур энг кам миқдор бўйича ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Шу йили минимал истеъмол харажатларини ҳисоблаш учун республиканинг барча ҳудудларидан танлаб олинган 5 минг 400 та уй ҳўжалигида сўровнома ўтказилиб, улар 10 та гуруҳга бўлинди ва ушбу оилалар орасидан энг кам харажат ва даромадга эга бўлган 30% уй ҳўжаликлари ажратилди.

Сўровнома натижасида олинган маълумотлар асосида мазкур оилаларда жон бошига кунлик истеъмол қилинадиган озик-овқат (2200 ккал) ва зарур бўлган ноозик-овқат товарлар ҳамда хизматлар учун минимал истеъмол харажатлар 2021 йилда киши бошига 440 минг сўми ташкил этиши белгиланди.

2021 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида" қарори қабул қилинди.

Шу тариқа мамлакатимизда минимал истеъмол харажатлари амалиётга жорий этилди. Бу камбағаллик чегарасини аниқлашга ҳам асос қилиб олинди.

НАТИЖА ҚАНДАЙ БўЛДИ?

Минимал истеъмол харажатларининг жорий этилиши ижтимоий тўловлар ва нафақаларнинг энг кам даражасини қайта кўриб чиқиш имконини берди. Бу 2021 йилнинг ўзида ногиронлар, шунингдек, боқувчисини йўқотган оилалар учун энг кам пенсия ва нафақалар миқдори 10 фоиздан 50 фоизгача оширилишига олиб келди.

Фаол ижтимоий сиёсат юритишга замин яратилди. Айтгандай, бугунги кунга келиб 2 млн дан ортиқ одам ижтимоий нафақа оляпти.

Камбағаллик чегараси белгиланди. Энди ким, нима учун камбағал эканлиги ойдинлашди. Ўз-ўзидан камбағаллик даражасини қисқартириш бўйича катта ислохотлар амалга оширила бошланди. Масалан, расмий маълумотларда келтирилган рақамларга эътибор берсак, камбағалликка қарши курашнинг янги тизими яратилган 2021 йилда камбағаллик даражаси 17 фоизни ташкил қилган. Бу 2021 йилда Ўзбекистон аҳолисининг 6 миллионга яқини камбағаллигини англатарди. 2023 йил якунларига кўра, Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 11 фоизни ташкил қилмоқда.

Камбағалликни қисқартириш йўлида олиб борилаётган ишлар Халқ демократик партиясининг бу борадаги ғоя ва мақсадлари амалга ошириб бораётганини англатади.



КУРАШ БЕСАМАР КЕТМАДИ



Ўрол ЎРОЗБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Бу партиямиз учун принципиал масала эди. Чунки камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари учун ҳам бу ниҳоятда керак эди. Шу орқали ким, қайси мезонга кўра камбағал тоифага

кириши аниқлаштирилади.

2020 йил 17 июлда Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси тегишли қонунининг концепцияси ва лойиҳаси ишлаб чиқилди. У Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига дастлабки кўриб чиқиш учун юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги “Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2022 йилдан бошлаб белгиланган энг кам истеъмол харажатлари кўрсаткичи камбағаллик мезони ва “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритиш учун асос сифатида қўлланилиб келинмоқда.

Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси томонидан ҳар бир инсоннинг бирламчи ҳаётий эҳтиёжларига етадиган энг кам истеъмол харажатларини қонун даражасида белгилаш мақсадида “Энг кам истеъмол харажатларини белгилаш тартиби тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.



Малика РАШИДОВА,

ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими:

Масалан, 14 та ҳудудда ногиронлиги бўлган шахслар учун “Саховат” ва «Мурувват» интернат уйларида депутатлик ва жамоатчилик назорати олиб борилди. Мониторинг давомида аниқланган муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар сессиялар муҳокама-сига олиб чиқилди.

Мисол учун, ЎзХДП Андижон шаҳридаги “Саховат” кессалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйи шарт-шароитларини ўрганиш аяқунлари тўғрисидаги масала халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши сессиясида кўрилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах шаҳар Кенгаши ва партия депутатлик гуруҳи томонидан давлатимиз раҳба-

рининг 2022 йил 15 мартдаги “Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишларнинг ҳолатини ўрганиш натижалари халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши сессиясида кизгин муҳокама этилиб, қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят Кенгаши ҳамда Поп туман Кенгаши томонидан “Меҳр улашин” лойиҳаси доирасида Поп туманидаги “Мурувват” эркаклар интернат уйида тадбир ўтказилди. Тадбир давомида бу ерда яшовчи имконияти чекланган фуқароларнинг яшаш шароитлари ўрганилди.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИЯСИГА НИМА ЕТСИН!

Кундалик ҳаётдаги ўзгаришларни таҳлил қилсак, юририлаётган халқпарвар сиёсат айнан ижтимоий давлат пойдеворини яратилган, унинг ривожланиш кафолатини мустаҳкамлашга қаратилган яққол кўринади. Кейинги йилларда ижтимоий ҳимоя тизими кафолатларининг Конституция даражасида мустаҳкамланишини халқимиз қанчалик хурсандчилик билан қабул қилганига ҳаммамиз бирдек гувоҳ бўлдик.

Ижтимоий ҳимоя, аввало, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглиги масаласи, ҳар бир инсон инсондек муомалага лойиқ дегани ҳамдир. Давлатимизнинг ижтимоий ҳимоя тизими эҳтиёжманд тоифаларнинг ҳаммасини қамраб оляпти. Фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш масаласи катта-катта давлатларда ҳам қийинчиликлар туғдираётган бугунги мураккаб вазиятда халқимизнинг бирдамлигига эришиш, ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шароити яратиш, эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Охириги йиллардаги ислохотларга назар ташлайдиган бўлсак, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўналишида ҳам бир қатор ўзгаришлар бўлди, тизимнинг қонунчилик асослари янгиланди, янада мустаҳкамланди. Мазкур йўналишда қўллаб маълумот ва рақамларни, ташаббусларни келтириш мумкин. Зеро, Янги Ўзбекистонда барча ислохотлар замирида инсон қадрини ва манфаатини туради. Одамларимиз бунинг аҳамияти ва қадрини яхши англаб турибди.

2019 йилги сайловларда Ўзбекистон ХДП яна бир муҳим вазифани ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Яъни, депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш орқали ижтимоий муассасаларда истиқомат қилаётган ёлғиз кексалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ногиронларнинг яшаш шароитини ўрганиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Келинг, яхшиси, гапни узоқ чўзмасдан, ушбу вазифалар ижроси ҳақида партия фаолларининг ўзидан эшитсак.



➤ **2020 йил 17 июлда ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎЗБЕКISTON ХДП ФРАКЦИЯСИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ТЕГИШЛИ ҚОНУНИНИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА ЛОЙИХАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ. У ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИГА ДАСТЛАБКИ КЎРИБ ЧИҚИШ УЧУН ЮБОРИЛДИ.**

ХДП ВАЪДАСИДА ТУРДИ

Сайловолди дастурида белгиланган яна бир муҳим вазифа кўпчилик оилаларни, айниқса, ишлайдиган аёлларни қизиқтириб қўйган эди. Партиямиз аёлларга пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига бола 3 ёшга тўлгунча таътилда бўлиш вақтини тўлиқ қўшиб ҳисобланадигани эришиш ташаббусини илгари сурди ва ваъдасини бажарди.

Ўйлаймики, бу мамлакатда аёллар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, оналар ҳурматини жойига қўйиш йўлида қўйилган яна бир қадам бўлди. Ушбу вазифа қандай амалга ошди? Мазкур таклифни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси томонидан “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Унда ёшга доир пенсиясини белгилаш ҳисобга олинандиган аёлларнинг иш стажига 18 ёшгача бўлган ногирон болани парваришлаш вақтини (амалдаги Қонунда 37-модда, 1-қисм, “д” бандида – 16 ёшгача) ҳамда бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришлаш таътилларида бўлиш вақтини, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 6 йил (амалдаги Қонунда 37-модда, 1-қисм, “ж” бандида – лекин кўпи билан 3 ёшгача) ни қўшиб кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 9 февралдаги “Фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги (1-модда, 1-қисм, 3-банд) Қонунига мувофиқ, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига тегишли ўзгаришлар киритилди.

2022 йил 9 февралда “Фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Қонун билан “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунга бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришлаш таътилларида бўлиш вақти, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 6 йил, деган ўзгариш киритилди.

Умман олганда, партиямиз Сайловолди дастури мамлакатимизда ижтимоий тенглик ва халқ демократияси мезонларига мос келадиган давлат ҳамда жамият барпо этишни кўзлагани билан аҳамиятли, албатта. Бунга эришишда, энг аввало, аҳоли манфаатларини таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат юритиш аниқ муқаддир. Муҳтожларни қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжманд инсонларга елкадош бўлиш каби ташаббуслар ҳаётийлиги билан аҳамиятли. Уларнинг манфаатларини таъминлаш доим долзарблилик касб этган. Бу борада айрим муаммолар борлиги ҳам ҳақиқат. Партиямиз дастурий мақсадлари йўлидаги курашда ана шу муаммоларни ҳал этишга бел боғлаган эди ва бу йўлда яхши натижаларни қўлга киритди, дейиш учун асосларимиз етарли. Тўғри, иш бор жойда камчилик ҳам, хато ҳам бўлади. Қайсидир жойда имкониятимизнинг ҳаммасини ишга солганимиз йўқ. Қаерлардадир сусткашликка йўл қўйилганини тан олишимиз керак. Муҳими, хатоларимизни тўғрилаш, сайловчилар ҳузурига ёруғ юз билан бориш учун озгина фурсат бор. Ўзига билдирилган ишончга бепарво муносабатда бўлаётган айрим қўштирноқ ичидаги депутатлар шу ҳақида ўйлаб кўришса, мақсадга мувофиқ бўларди. Айтганча, биз партиямизнинг бутун бир Сайловолди дастури ижросига шу билан яқун ясамоқчи эмасмиз. Айтадиган гапларимиз, берадиган ахборотларимиз, сизга етказмоқчи бўлган маълумотларимиз жуда кўп. Бизни кузатишда давом этинг.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

Yangi rukn: «Hozirgi zamon va Yangi O'zbekiston»



Мансур БЕКМУРОДОВ,
Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси
кафедра мудири, социология
фанлари доктори, профессор:

— Ижтимоий давлатни барпо этиш негизда юз бераётган трансформацион тенденциялар янги ижтимоий муносабатлар, янги талаблар ҳамда меъёрларни ўзида ифода этувчи жамиятнинг моҳиятан инсонийлашган муносабатлар тизими, янги мақсадлар ва ижтимоий мўлжаллар мажмуини англатади.

ИЖТИМОЙ ТРАНСФОРМАЦИЯ

ижтимоий ривожланиш жараёнларидаги трансформацион тенденциялар ҳақида

— бошқарув самарадорлигида “смарт регуляция”, яъни инсон, жамият ва давлат манфаатларини таъминлаш йўлида мақбул қарорлар қабул қилишда асосий омил, бош драйвер сифатида инсоннинг касбий интеллектуал ва маънавий салоҳиятини кучайтириш белгиланди;

— бошқарув стратегиясида одамларни фаровонлаштириш мақсадлари аниқ манзилли ўлчам ва критерийлар негизда таркиб топтирилди ва ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон тақдирини яхшилаш вазифалари умумдавлат доирасидаги бош ижтимоий мўлжалга айлантирилди.

Айнан ана шу трансформацион манзара мамлакатимизда жадал суръатлар билан амалга оширилаётган ислохотлар марказига аввало, инсон капиталини кучайтириш, ҳар бир шахс салоҳиятини юксалтиришга ижтимоий эътиборни кучайтирди.

Бош қомусимизнинг 1-моддасида “Ўзбекистон – бошқаруving республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”, деб белгилаб қўйилди. Президентимизнинг сўзларига кўра, «инсон қадрини» тушунчаси «ижтимоий давлат» тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Ижтимоий давлат – ижтимоий тафовутларни камайтириш, самарали ижтимоий сиёсат олиб боришга асосланган давлат модели ҳисобланади».

Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кегиришига зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир. Шу боисдан ҳам, “ижтимоий давлат” тамойилини янгиланган Конституциямизга алоҳида норма сифати-

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ОДАМЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ИШЛАРИ КЕНГ ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНДИ. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ОЧИКЛИГИ ВА ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА КЕНГ ҚЎЛАМЛИ ИСЛОХОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ КВОТАЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНИБ, ОЛИЙ ТАЪЛИМ ОЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА.

да киритилганлиги “Инсон қадрини кучайтириш”, “Халқни рози қилиш”, “Инсонга эътибор” ва “Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат” каби эзгу ғоя асосида олиб борилаётган давлатнинг ижтимоий соҳадаги халқпарвар ва инсонпарвар сиёсатга тўлиқ мос келади.

Янги Ўзбекистонда инсон давлат ва жамиятдаги барча трансформацион ўзгаришлар жараёнининг драйверига айлантирилди.

Шу боисдан ҳам инсонни самарали ижтимоийлаштириш ва бу жараённинг сифатини тубдан яхшилаш катта аҳамиятга эгадир. Сифат ўзгаришларини кўзлаб амалга оширилувчи ислохотлар даставвал таълим ва тиббиётга бўлган давлат эътиборини тубдан ўзгартиришни талаб этади.

Бугунги кунда таълим ва тиббиётга бўлган давлат эътибори тубдан ўзгарди. Ўқитувчи ва тиббиёт ходимларининг ойлик маошлари оширилди. Ўқувчи ва талабаларнинг таълим олиш имкониятлари кенгайди. Ижтимоий имкониятла-

ри чекланган аҳоли қатламларига инклюзив ёндашув қарор топтирилди, ёш оилалар учун арзон уй-жойлар барпо этилмоқда. Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизими янада такомиллаштиришга эришилди.

Тадбиркорлик фаолиятига одамларни жалб этиш ишлари кенг ижтимоий ҳаракатга айланди. Давлат бошқарувининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Олий таълим муассасаларига қабул квоталари бекор қилиниб, олий таълим олиш имкониятлари кенгайрилмоқда.

Зеро, инсонни ўзгартириш борасида дунёдаги амалиёт унга киритилаётган инвестиция, давлат сиёсати бевосита боғлиқдир. Бунинг асосий сабаби илгари энг аввало, инсонни интеллектуал-касбий ривожлантиришга эмас, балки унинг бирламчи, моддий эҳтиёжларини қондиришга асосий урғу берилганлигидир. Бу сиёсат жаҳондаги ижтимоий қўловга асосланган сиё-

сатда субсидиарлик инсон салоҳиятини кучайтириш эмас, балки фақат унинг қорнини тўйдиришга қаратилган моддий эҳтиёжларини қоплашга йўналган саяё-ҳаракатлар бўлгани учун “фойда келтирмайдиган ҳаражатлар”, деб қаралади.

Бундан ташқари, субсидиар сиёсат юргизган аксарият хорижий давлатларда иқтисодий юксалиш эмас, барки инқирозлар авж олган. Яъни, давлат томонидан қилинувчи ҳаражатлар кўп ҳолларда ижтимоий дангасалик, боқимандаликка яъни, бирламчи эҳтиёжларни субсидиар тарзда олиб келган аҳоли вакилларининг ўзини ўзи ривожлантирмаслиги, ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этмаслигига ўрганиб қолишига, меҳнат бозорини ривожлантиришга ўз тақлифлари билан иштирок этмасликка одатланиб қолишига олиб келади.

Шунингдек, ўтган 30 йилга яқин давр ичида, яъни, 2017 йилгача мамлакатимизда амалга ошириб келинган субсидиар сиёсат Халқаро Меҳнат Ташкилоти Конвенциясидаги “ҳар қандай ижтимоий сиёсат фуқароларни ижтимоий, интеллектуал ёки касбий ривожлантириш учун рағбатлантиришга йўналган бўлиши керак”, деб белгиланган қондасига ҳам мос келмай амал қилган эди.

Эндиликда эса Янги Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган моҳиятан янги трансформацион воқелик, яъни, одамни кучайтиришга қаратилган ижтимоий сиёсат Халқаро Меҳнат Ташкилоти қондаларига тўла мос келади. Унинг пировард мақсади ҳар бир инсонни бахтли, фаровон қилиш, уни касбий, маънавий ва интеллектуал ривожлантиришдир.

Хуллас, янги ҳаёт, Янги Ўзбекистонни барпо этиш борасидаги кенг қўламли трансформацион жараёнлар фақатгина камбағалликни кескин қисқартириш билан чекланмасдан, балки ҳаммани ва ҳар бир инсонни фаровон қилиш, одамларни бирламчи эҳтиёжлар қобигидан чиқариш, уни иккиламчи ва учламчи эҳтиёжлар доирасида ҳаракатланиш майдонига чиқаришга қаратилгандир.

Бу эса аҳоли барча табақалари вакиллари ҳаёти ва фаолиятини илм-фан, юксак маънавият тамойиллари асосида яшаш, инновацион тафаккурга эга қилиш, барчани институционал тарзда уюштириш, активлик ҳолатидан проактив фаолият юритишга ўтказиш, яқдил мақсадли илгор миллатга айлантириш стратегиясини амалга оширишни назарда тутди.



Ўзбекистонда ишсизлик даражаси тушди

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар самараси ўлароқ меҳнатга лаёқатли қатлам ўртасида ишсизлик даражаси 2020 йилдаги 10,5 фоиздан 6,8 фоизга тушди, камбағаллик даражаси эса 2021 йилдаги 17 фоиздан 11 фоизга паслади. Ушбу рақамлар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ўтказган матбуот анжуманида масъуллар томонидан маълум қилинди.

— Жорий йилнинг ўтган олти ойида аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш мақсадида 113 минг нафар ишсиз фуқаро касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилди, — дейди камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосари Раёно Турдубоева. — Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 баравар ошиб, қўшимча тарзда 12 та янги касбга ўқитиш йўлга қўйилди. 10 минг нафар фуқаро хорижий тилларга ўқитилди.

Бундан ташқари, хорижда ишлаш истагида бўлган 64 минг нафар шахс чет давлатларга қонуний, хавфсиз ҳамда уюшган ҳолда ишга юборилди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3 бараварга кўпдир.

Мамлакатимизда ҳозирга қадар Халқаро меҳнат ташкилотининг 22 та конвенцияси ратификация қилинган ва айни пайтда яна 3 та конвенцияни ратификация қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Меҳнат ва меҳнатни муҳофазат қилиш қонунчилигига риоя этилиши юзасидан Давлат меҳнат инспекторлари томонидан 7 минг 720 та назорат тадбири ўтказилди. Мазкур тадбирлар довомида 21 минг 436 та қонунбузилиш

ҳолати аниқланиб, бу камчиликларни бартараф этиш бўйича иш берувчиларга бажарилиши мажбурий бўлган 3 минг 442 та ёзма кўрсатма, 90 та тақдимнома киритилди. Шунингдек, 4 минг 335 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жарима қўлланилди. 254 нафар ноқонуний ишдан бўшатирилган ходим ишга тикланди. 7 минг 349 нафар фуқаронинг 31 миллиард сўмдан ортқ иш ҳақлари ундириб берилди.

Тадбирда рақамлаштириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Сўнгги уч йилда бандлик тизимидаги мавжуд 50 та давлат хизматидан 24 таси ёки 48 фоизи рақамли платформага ўтказилган. Рақамлаштириш натижасида 10 дан ортқ турдаги маълумот ва ҳужжатлар аҳолидан талаб қилишга зарурат қолмаган.

Вазирлик томонидан кейинги ярим йилликда ҳам аҳоли бандлигини ошириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади. Хусусан, 68 та ҳудуддаги халқаро автомобиль йўлларида хизмат кўрсатиш ва савдо объектлари ташкил этиш орқали 500 минг иш ўрни яратилади. 5 мингдан ортқ инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига 197 минг фуқаро доимий иш билан



таъминланади. Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 120 мингта лойиҳага 2 триллион сўм кредит маблағлари йўналтирилди. Тижорат банклари билан биргаликда шакллантирилган 49 мингта микролоийҳани ишга тушириш орқали

67 мингта қўшимча иш ўрни очилди. Вазирлик жамғармалари ҳисобидан касб-хунарга ўқитилган 40 минг нафар фуқарога 254 миллиард сўм субсидия ва ссудалар ажратилади. Умуман, хизматлар соҳасида 1 миллион 200 минг, қишлоқ хўжалигида 600 минг, қурилишда эса 70 минг аҳоли бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Шунингдек, 90 минг кишини Жанубий Корея, Германия, Буюк Британия, Япония, Руминия, Болгария, Венгрия каби давлатларда ишга жойлаштириш режалаштирилган. Буларнинг барчаси “Хорижга иш – маҳалладан” тамойили асосида йўлга қўйилади.

Анжуманда вазирликка келиб тушаётган аҳоли мурожаатлари сони ҳам кескин (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 37,2 фоизга) камайгани таъкидланди. Ҳар бир мурожаат ортда инсон тақдирини турганини ҳисобга олган ҳолда мурожаатлар билан ишлаш тизимидаги самарали ёндашувлар ва уларнинг натижалари ҳақида ҳам айтиб ўтилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мўхбири.

SALOMATLIK

Қатъий назорат тадбирлари ёлғиз ечим эмас



Ёз мавсуми санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги масалалари кун тартибига чиқадиган палладир. Бу пайтда аҳоли, айниқса, болалар ўртасида ўткир ичак касалликлари авж олади. Юртимиздаги тўйхоналарда ёки фасд-фуд тармоқларида, мактабгача таълим ташкилотларида овқатдан оммавий заҳарланиш ҳолатлари айни шу мавсумда кўп кузатилиши ҳам сир эмас.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси бош мутахассиси Абдурахмон ИСМОИЛОВдан мана шундай вазиятда кўрилатган самарали чора-тадбирлар ҳамда назорат ишлари ҳақида сўрадик.

– Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили хавфли озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида ўртача 600 миллионга яқин инсон жабрланади, – дейди А. Исмоилов. – 400 мингдан ошдиқ киши микроорганизмлар ёки кимёвий моддалар билан ифлосланган озиқ-овқатларни истеъмол қилиш натижасида вафот этади. Ачинарлиси, уларнинг юз мингдан зиёди, яъни, тўртдан бирини 5 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Ҳар йили озиқ-овқатдан заҳарланиш туфайли кўрилган зарар дунё миқёсида 95 млрд доллар атрофида баҳоланади.

Айтмоқчиманки, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги бугунги кунда анчайин жиддий масала ҳисобланади. Табиийки, жазирама ёз фаслида озиқ-овқатдан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олиш, аҳоли саломатлиги ҳамда эпидемиологик барқарорликни сақлаш янада долзарб бўлади.

Ўтган йили мамлакатимизда овқатдан заҳарланиш билан боғлиқ 61 та ҳолат қайд этилган бўлиб, бунинг оқибатида 507 киши жабрланган. Уларнинг 133 нафари болалардир. Тўққиз киши заҳарланиш туфайли вафот этди. Овқатдан заҳарланиш ҳолатларини таҳлил қилганимизда жабрланганларнинг катта қисми уй шароитида тайёрланган консерва маҳсулотларини ейиш натижасида касалланганларга, кейинги ўринда эса кимёвий моддалардан заҳарланганлар, яъни пестицидлар сепилган мева-сабзавотларни, полиз маҳсулотларини, ёввойи кўзқоринни истеъмол қилганлар ва овқат токсикоинфекцияси қайд этилганларга тўғри келди.

Жорий йилнинг ўтган даврида яна худди шу сабабларга кўра 223 киши, жумладан, 49 нафар бола жабрланган.

Яширишнинг ҳолати йўқ, шу кунларда сифати бузилган озиқ-овқат маҳсулотларини тановул қилиб, ўткир ичак касалликларини, хусусан, диареяни (ҳалқ тилида ичбуруғ дейди) бошдан ўтказган ва ўтказмаётганлар янада кўпайган. Чунки бу мавсумда сархил мева-сабзавотлар, полиз маҳсулотлари кундалик рационимиздан кўпроқ жой олади. Гигиена қоидаларига риоя этмаслик, аксарият ҳолларда болаларнинг кўчадан киргач, қўлларини яши ювмаслик сингари элементар сабабларга кўра турли бактерия ва вирусларнинг оғиз орқали организмга тушиши, ичбуруғдан ташқари дизентерия, сальмонеллез каби ўткир юқумли ичак касалликларини кўзгаши бор гап.

Бактерия ва вируслар ичак шиллиқ қаватини яллиғлайди ва улардан ажралган токсинлар қонга сўрилиб, бутун танани заҳарлайди. Оқибатда 2 соатдан 2 кунгача бўлган инкубацион даврда диареянинг илк белгилари намоён бўлади. Бу турдаги касалликларни даволашда ҳар бир дақиқа аҳамиятли. Яъни, беморга қанча эрта ташхис

қўйилиб, муолажа қанча тезроқ бошланса, натижа шу қадар самарали бўлади.

– Бугунги кунда юртимиздаги замонавий супермаркетлар қаторида кичик дўконларда ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш шарт-шароитлари намунали йўлга қўйилганига гувоҳ бўляпмиз. Лекин магистрал йўл ёқалари, аҳоли гавжум жойлар, бозорлар каби манзилларда жисмоний шахслар ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан мавсумий чанқоқбосди яхна ичимликларни, турли хушхўр таомларни тайёрлаб сотиш кўпаяди. Бундай ҳолатларда овқатдан оммавий заҳарланиш содир бўлмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди, тўғрими? Айни йўналишда олиб борилаётган ўрганиш ва назорат тадбирлари ҳақида маълумот бериб ўтсангиз?

– Аҳолининг санитария-эпидемиологик масалаларда хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ва ёз фаслининг долзарб аҳамиятини эътиборга олган ҳолда жорий йилнинг бошида кўмитамиз томонидан барча ҳудудда жамоатчиликни жалб этган ҳолда ишчи гуруҳлари ташкил этилди. Ушбу гуруҳлар томонидан ўша сиз келтириб ўтган – республиканинг магистрал йўл ёқалари, аҳоли гавжум жойлар, бозорлар каби манзилларда жисмоний шахслар ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар тайёрлаб сотаётган мавсумий чанқоқбосди ичимликлар ва озиқ-овқат ма-



сулотлари сифати устидан доимий назорат ишлари қатъий тартибда олиб борилаётган. Ишчи гуруҳлари таркибидаги соҳамиз ходимлари эса хавфсизлигига шубҳаланган, сифатли сақлаш шароити таъминланмаган озиқ-овқат маҳсулотларидан ўша ернинг ўзида лаборатория таҳлилларига намуналар олиб, то натижаси чиққунга қадар вақтинча савдони тўхтатиб турибдилар. Бундан ташқари, ана шу савдо билан шугулланаётган фуқароларнинг саломатлигини тасдиқловчи тиббий кўрик хулосалари ўрганилмоқда ва тиббий кўриқдан ўтмаган, саломатлиги шубҳали кўринган шахслар вақтинча ишдан четлатилиб, белгиланган тартибдаги тиббий кўриқка жалб этиляпти. Иш жойида гигиеник тартибларга риоя қилинишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу каби камчиликлар аниқланган ҳолатларда қонунда белгиланган тартибда маъмурий чоралар кўриляпти.

– Ёзинг ҳам, мана, сўнгги ойи бошланди. Ўтган шу икки ойда кўмита ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан олиб бориладиган ўрганиш ҳамда рейд тадбирлари давомида нечта ҳолатда аҳолига тақлиф қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сотуви тўхтатилди?

– Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, ёз мавсумида барча ҳудудда кўмитамиз ташаббускорлигида тузилган ишчи гуруҳлари тизим иш жаввалида ўрганиш ва рейдларни амалга оширяпти. Ана шу ўрганишлар жараёнида

ҳозирга қадар истеъмолга яроқсиз, эпидемиологик жиҳатдан хавфли деб топилган жами 1 минг 200 тоннадан ошдиқ озиқ-овқат маҳсулотлари савдодан чиқарилиб, бракераж қилинди. Ноқонуний равишда, рухсат этилмаган жойларда турли таом ва егуликлар савдоси билан шугулланиб келаётган 1 минг 124 нафар фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилиб, уларга нисбатан жарима чоралари белгиланди. Белгиланган тартибдаги тиббий кўриқдан ўтмай савдо қилаётган 402 нафар фуқаро вақтинчалик ишдан четлатилди.

– Ёз нафақат аномал иссиқ кунлар, балки халқимиз учун тўй мавсуми ҳамдир. Ушбу мавсумда республикамизнинг қайсидадир ҳудудидида тўй-йиғинда баъзан ўнлаб инсонларнинг оммавий овқатдан заҳарланиши билан боғлиқ хабарлар тез-тез кўзга ташланиб туради. Бўйича назорат қандай йўлга қўйилган?

– Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси ҳамда унинг ҳудудлардаги бошқармалари томонидан шаҳар- туманлардаги барча тўйхоналар дислокацияси тузилиб, уларга санитария талабномалари берилган ва бу талабномаларнинг ижроси қатъий назорат остига олинган. Яъни, тўйхоналарга фуқаролар томонидан уй шароитида тайёрланган тез бузилувчи, майонезли салатлар, торт-кремли пироженолар ва бошқа пиширқларни олиб келиб, дастурхонга тортиш узил-кесил тақиқланган. Барча тўйхона, рестороанларнинг масъул ходимларидан берилган санитария талабно-

» **Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги бугунги кунда анчайин жиддий масала ҳисобланади. Табиийки, жазирама ёз фаслида озиқ-овқатдан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олиш, аҳоли саломатлиги ҳамда эпидемиологик барқарорликни сақлаш янада долзарб бўлади.**

рияти пластик идишларга қадоқланган бу сувлар таркибида бактерия, пестицид ёки бошқа зарарли моддалар йўқми, энг муҳим ва асосий масала ҳам шу!

Аёнки, идишларда қадоқланган ичимлик ва табиий минерал сувларни қайта ишлаш ҳамда қуйиш билан шугулланувчи корхоналар учун махсус санитария қоидалари белгиланган бўлиб, улар истеъмолга чиқараётган ҳар бир партия бактериологик ҳамда кимёвий текширувлардан ўтказилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли қарорига асосан санитария-эпидемиологик хулоса расмийлаштирилади. Сув таркиби истеъмолга яроқли ва тоза экани исботлангач, сотувга рухсат этилади.


Шу билан бирга корхоналар томонидан ўзларининг ички лабораторияларида ҳам доимий назорат олиб борилади. Кўмитамизнинг ҳудудий бошқармалари лабораторияларида мунтазам равишда сотувдаги қадоқланган сувлар таҳлили юритилади. Мабодо бир партиядан олинган ичимлик сув намуналари давлат стандартлари (ГОСТ) ёки норматив ҳужжат талабларига жавоб бермаса, шу партия савдога чиқарилиши тақиқланиб, корхона маҳаллий санитария хизматлари ходимлари иштирокида тафтиш қилинади ва аниқланган камчиликлар бартараф этилганидан сўнг профилактик зарарсизлантириш ишлари олиб борилиб, қайта лаборатория текширувлари асосида ишлаб чиқаришга рухсат этилади. Эпидемиологик аҳамияти юқори бўлгани сабабли қадоқланган сувларнинг истеъмолга яроқлилик даражасини қафолатлаш доимий диққат-эътибор марказидадир. Шу боис ҳам иккиланмай айтишим мумкинки, ҳозиргача ўтказилган лаборатория таҳлиллари натижаси бўйича хавфсизлик кўрсаткичлари талабга жавоб бермайдиган қадоқланган ичимлик сувларини сотиш ҳолатлари республикамизнинг ҳеч бир ҳудудида аниқланмади.

Лекин аҳолидан дўконларда, савдо нукталарида қадоқланган сувлар сотиб олишда уларнинг қуёш тиғи остида турмаганига ишонч ҳосил қилиши кераклигини сўраб қолардик. Чунки пластик сув идишлари қуёш нури таъсирида соғлиқ учун хавф туғдирувчи заҳарли бирикмаларни, ҳатто онкологик касалликларга сабаб бўлувчи моддаларни чиқариши аллақачон илмий исботланган.

Тадқиқотлар кўрсатадики, ҳозирда Канада, Буюк Британия, Греция, Испания, Албания, Италия, Германия, Швейцария ва Австрия каби қирққа яқин давлатда овқатдан заҳарланиш билан боғлиқ ҳолатлар жуда кам учрайди. Бу мазкур ўлкаларда озиқ-овқат хавфсизлиги қатъий қонунлар билан тартибга солингани, ушбу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг аънавий юқори стандартлари билан, энг муҳими, соғлиқни сақлаш бўйича самарали таълим стратегиялари билан боғлиқлиги айтилади.

Демак, ёз мавсумида ва умуман соғлиғимизга хавф солувчи хатарлардан ҳимояланишда масъул ташкилотларнинг назорат тадбирларидан ҳам кўра, аввало, ўзимизнинг тиббий-гигиеник билим-кўникмаларимиз ҳал қилувчи роль ўйнашини унутмаслигимиз жоиз.

Фарида МАҲКАМОВА
суҳбатлашди.



Уй-жой бозорида фаоллик секинлашди

Ўзбекистон кўчмас мулк бозоридаги фаоллик апрель-июнь ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан биров секинлашган. Бу ҳақида Марказий банкнинг Пул-кредит сиёсати департаменти таҳлилида келтириб ўтилган.

Марказий банк таҳлилларида кўра, 2024 йилнинг иккинчи чорагида кўчмас мулк бозорида фаоллик секинлашган, ушбу даврга хос мавсумий ўсиш ҳам қузатилмаган. Регулаторнинг фикрича, фаолликнинг секинлашуви кўчмас мулк бозорининг барқарорлашуви билан боғлиқ бўлиши мумкин. Соддароқ айтганда, уй-жой бозори озгина "қизиб" кетган эди. Ҳозир эса биров ҳовуридан тушиб, мувозанатлашмоқда.

Шунингдек, Марказий банк апрель-июнь ойларида уй-жой сотуви бўйича шартномалар сони қисқариши бозордаги вазиятнинг барқарорлашуви билан боғланган. МБнинг фикрича, уй-жой савдоси ва ижараси нархларининг ўсиши суръати ўртасидаги тафовутнинг ошishi сотиб олиш ва сотиш нархларининг пасайишига олиб келганлиги тахмин қилинган. Маълумотларга кўра, ушбу давр учун олди-сотди битимлари сонининг ўсиши қузатилмаган ва қарийб биринчи чорада даражасида қолган. Мисол учун, ўтган даврларда нархларнинг юқори ўсиши шароитида фаоллик нисбатан юқори бўлган Тошкент шаҳри (-8 фоиз), Бухоро (-10 фоиз), Тошкент (-12фоиз) ва Навоий (-26 фоиз) вилоятларида битимларнинг сезиларли қисқариши давом этган.

Нархларнинг мувозанатлашуви шароитида одамлар илгари сотиб олган уйларини сотиш ёки ижарага бериш учун эълон жойлаштиришмоқда. Иккиламчи бозорда уй сотиш эълонлари 12,7 фоизга кўпайган бўлса, ижара эълонлари 18,4 фоизга ошган.

Марказий банк таҳлилида айтилишича, кўчмас мулк бозорида талаб ҳам "мувозанатлашган". Бунга одамларнинг даромадлари мақбуллашгани (турғунлашгани ёки пасайгани деб тушуниш ҳам мумкин), ипотека кредити ўсиши секинлашгани, нарх-наво ҳамда алмашув курсининг нисбатан барқарорлашгани сабаб бўлган.

Бундан ташқари, ҳукумат томонидан уй-жойлар учун ипотека кредитларининг мақсади ажратилиши, шу билан бирга Марказий банкнинг макропруденциал чоралари кўчмас мулк бозоридаги вазиятнинг мувозанатлашиб боришига хизмат қилиши қутилмоқда. Жорий йилнинг 6 ой давомида иккиламчи бозорда уй-жой нархларининг ўсиши сўм индексиди 4,5 фоизни (таққослаш учун: 2023 йил январь-июнь ойларида 11,8 фоиз), бирламчи бозорда 7,2 фоизни (2023 йил январь-июнь ойларида 10,9 фоиз) ташкил этди. Ўтган йилнинг иккинчи ярим йиллигида қузатилган юқори нарх эффекиннинг сақланиб қолаётгани таъсирида йиллик ҳисобда уй-жой нархлари ўсиши июнь охирида сўм индексиди 26,3 фоизни (доллар ҳисобида - 14,7 фоиз) ташкил этди. Бирламчи бозорда нархларнинг ўсиш суръатлари нисбатан барқарорлигича қолмоқда. Йиллик ҳисобда бирламчи бозордаги нархлар сўм эквивалентида 35 фоизга, доллар эквивалентида эса 22,5

фоизга ошган.

Этиборли жиҳати, турар жой ижараси бозоридаги фаоллик жиловланиб, йил бошидан буён нархларда пасайиш динамикаси сақланиб қолган. Жумладан, Тошкент шаҳрида турар жой ижараси нархлари қолган ҳудудларга қараганда нисбатан тезроқ пасаймоқда. Республика бўйлаб турар жой ижара нархлари йиллик суръатда июнь ойида сўм индексиди 12,3 фоизни (доллар индексиди - 2,1 фоиз) ташкил этди. Тошкент шаҳрида турар жой нархларининг сўм индексиди йиллик 1,2 фоизга пасайган. (доллар индексиди - 10,3 фоиз). Ер нархларининг динамикасида мувофиқлашиш қузатилган. Тошкент шаҳрида июнь ойида 1 сотих ер нархи 342 миллион сўмни ташкил этган. Зотан, йил бошида 362 млн.сўм, апрелда эса 364 млн сўм эди.

Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, аввалроқ Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази йил бошидан буён кўчмас мулк бозорида сотувлар 5,7 фоизга қисқаргани ҳақида хабар берганди. Биринчи ярим йилликда Ўзбекистонда ипотека кредитлари ҳажми қарийб 2 фоизга - 6,88 трлн сўмга, олувчилар сони эса 17,3 фоизга қисқарган. Шу билан бирга, ажратилган ипотека кредитларининг ўртача миқдори ва банк фоиз ставкалари ҳам ошган.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ БОЗОРИДА ТАКЛИФ ОШМОҚДА

Марказий банк ички бозорда қурилиш материалларининг таклифи ошиб бораётгани ва бу нархлар барқарорлашуви ҳамда янги уй-жойлар нархи пасайишига таъсир кўрсатиши ҳақида маълум қилган. Бир сўз билан айтганда, МБ импорт қурилиш материалларида нарх хавфини кўрмапти.

Сўнги йилларда қурилиш соҳаси, хусусан, турар жой қурилиши сезиларли даражада кенгайди, дея қайд этди регулятор. Марказий банк томонидан ўтказилган истеъмол қайфияти бўйича сўровларга кўра, респондентларнинг 15-20 фоизи уйини таъмирлашга пул сарфлаган ёки таъмирлашни режалаштирган, яна 8 фоизи эса хонадон сотиб олиш ниятида эканини билдирган.

Юқори фаоллик натижасида қурилиш молларининг ички таклиф ҳажми ошиб, нархларни барқарорлашуви ва бирламчи бозорда уй-жой нархлари ўсиш суръатларининг пасайишига таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга, айрим қурилиш моллари таркибида импорт қилинадиган компонентлар устунлик қилмоқда. Гап ёғоч, қора металллар, бўёқ ва лак маҳсулотлари ҳақида бормоқда. Оддий турдаги қурилиш моллари импортида (портланцемент) пасайиш тенденцияси давом этмоқда.

МБ маълумотларидан кўриниб турибдики, май ойида уй-жойларни сақлаш ва таъмирлаш учун материаллар инфляцияси йиллик кўрсаткичда 1 фоиздан пастга тушган. Йил давомида цементнинг импорт ва ички нархлари тахминан 15 фоизга камайган ва импорт қилинадиган қора металллар (қувурлар, фитинглар) нархи тушиб бормоқда.

Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ

» **НАРХЛАРНИНГ МУВОЗАНАТЛАШУВИ ШАРОИТИДА ОДАМЛАР ИЛГАРИ СОТИБ ОЛГАН УЙЛАРИНИ СОТИШ ЁКИ ИЖАРАГА БЕРИШ УЧУН ЭЪЛОН ЖОЙЛАШТИРИШМОҚДА. ИККИЛАМЧИ БОЗОРДА УЙ СОТИШ ЭЪЛОНЛАРИ 12,7 ФОИЗГА КЎПАЙГАН БЎЛСА, ИЖАРА ЭЪЛОНЛАРИ 18,4 ФОИЗГА ОШГАН.**



Ички йўлларнинг ҳам энди ўз "эгаси" бор

Мамлакатимиз ҳудудларида 184 минг 582 километр автомобиль йўли бор. Шундан қарийб 142 минг километри ички ҳўжалик йўллари ҳисобланади. Сўнги тўрт йилда ички йўллари қуриш ва таъмирлашга 15 триллион сўм ажратилгани сабаб маҳаллаларда, чекка қишлоқларда ҳам кўчалар раво бўлиб, аҳоли узоғини яқин қилмоқда. Бироқ уларни сифатли сақлашга масъул тизим йўқ.

Бу ҳақида 5 август куни давлат раҳбари ички йўлларни сақлаш ва таъмирлашга оид таклифлар тақдими билан танишуви чоғида айтиб ўтди.

Қайд этилганидек, Автомобиль йўллари кўмитаси давлат ва халқаро аҳамиятдаги йўл ҳамда кўприклар билан шуғулланади. Ички йўллар ва кўприклар эса маҳаллий ҳокимликлар балансида. Бунинг ортидан ҳозирги кунда 43 минг километр ички йўллар таъмирталаб ҳолатда, 2 минг 354 та кўприкнинг тайинли «эгаси» аниқ эмас.

Шу боис туман даражасида бу масалаларга масъул тизим яратиш режалаштирилмоқда. Таклифга кўра, 208 та туман ва шаҳар ободонлаштириш бошқармаларида ички йўллари сақлаш хизматлари ташкил қилинади. Улар энг зарур махсус техникалар билан таъминланади. Бунинг учун бюджетдан тегишли маблағ ажратиш кўзда тутиляпти.

Тахлилларга кўра, йўллари сақлашга йўналтирилган маблағ таъмирлаш харажати бир неча баробар қисқартиради. Агар ўз вақтида пул ажратилиб, ички йўллар тўғри эксплуатация қилинса, уларни таъмирлаш муддатлари ҳам камида 2 баробар узаяди.

Ички йўллари сақлаш ва таъмирлашни молиялаштириш бўйича янги механизмлари жорий этиш бўйича мутасаддиларларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Тоштемур МУРОД

30 МИЛЛИОН СЎМГАЧА МУКОФОТ

Талабаларни турар жой билан таъминлаш фаол қатнашган марказлар 30 миллион сўмгача мукофотланади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазири ўринбосари Сарвархон Бузрукхонев иштирокида ўтган йиғилишда шу ҳақида маълум қилинди. Айтилишича, барча олий таълим муассасаларида камида 4 тадан "Талабалар турар жойларига жойлаштириш учун ёрдам кўрсатиш марказлари" ташкил қилинади. Энг яхши мукофот кўрсатган марказлар 20-30 миллион сўм билан мукофотланиши режалаштирилган.



1 августдан 10 сентябр оралиғи талабаларни турар жой билан таъминлаш учун "долзарб қирқ кунлик" этиб белгиланди.

Таъкидланишича, 2024/2025 ўқув йилида ўтган йилги таъмирбадан келиб чиқиб, барча олий таълим муассасаларининг асосий бинолари ва ТТЖларининг кириш қисмларида камида 4та "Талабалар турар жойларига жойлаштириш учун ёрдам кўрсатиш марказлари" (инфокиоск) ташкил этилади.

Инфокиоск фаолиятини йўлга қўйиб, унга таъмирбадан волонтерлари бириктирилган ва энг намунали фаолият юритган "Талабалар турар жойларига жойлаштириш учун ёрдам кўрсатиш марказлари"га 20-30 миллион сўм пул мукофоти берилади. Вазирликнинг Kup.uz'га маълум қилишича, бу маблағлар вазирлик томонидан ғолиб бўлган ОТМларига берилади.

Шунингдек, йиғилишда масъулларга ижара хонадонлари базисини шакллантириш, талабаларнинг гуруҳ тўторлари орқали ижара хонадонларига жойлашишига кўмаклашиш, ОТМ расмий веб-сайти орқали янги топилган ижара уйлари ва улар ҳақидаги маълумотлар (манзили, хонадон эгасининг исми-шарифи, телефони, ижара уйининг нархи кўрсатилган ҳолда)ни эълон қилиш вазифаси юклатилди.

Бундан ташқари, ОТМ ректорларига ҳафтада камида 1 марта ётоқхона ва ижарада яшаётган талабалар ҳолидан шахсан хабар олиш топшириғи берилган.

Ўз мухбиримиз.

МУАССИС:



ЎЗБЕКISTON
ХАЛҚ ДЕМOKPATИК
PARTИЯСИ
MARKAZИЙ KENGASHИ

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV
Ulug'bek VAFQYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQLICHEVA

Muslihidin MUHIDDINOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi.
Korxonа manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 837. 3311 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti —

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.